




USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



OZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Uzbekistan



ЎЗБЕКИСТОНДА МЕРОС ҲУҚУҚИ

МУАЛЛИФ ВА НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари,
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси
ЁДГОРОВ Холмўмин

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари
БОЛТАХОДЖАЕВА Ирода

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси
АЛМАМЕДОВ Улуғбек

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси раҳбари
САЛАЕВ Азамат

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН** тайёрланган. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган.

Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.supcourt.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри,
А. Қодирий кўчаси, 1
Телефон +998 71 239 0267

_____ наشريёти
ISBN: _____

МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛКЛАР

Буюмлар



Мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар



Интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқлар



Бошқа номулкий ҳуқуқлар



МЕРОС ТАРКИБИГА НИЙМА КИРМАЙДИ?

Мерос қолдирувчининг юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолиги, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари (агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса)



Мерос қолдирувчининг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи



Мерос қолдирувчининг алимент мажбуриятлари тўғрисида қонун ҳуқуқ ва мажбуриятлари



Мерос қолдирувчининг меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи



Мерос қолдирувчининг мулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлари



КИМГА ВАСИЯТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Қонун бўйича меросхўрларга



Қонун бўйича меросхўр бўлмаган шахсларга



Юридик шассларга



Ўзбекистон Республикаси фуқароларига



Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга



Давлатга




Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига



ТЎҒРИ ВА ЁН ШАЖАРА БЎЙИЧА ҚАРИНДОШЛАР ЧИЗМАСИ

Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар



ВАСИЯТНОМА ТУЗИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ



1-ҚАДАМ

Васиятнома матнини тузиш

Зарур ҳолларда нотариус нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошқа жойга бориши мумкин

ВАСИЯТНОМА БОШҚА ШАХС ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНИШИ МУМКИН:

- Агар мерос қолдирувчи касалхонада даволанаётган бўлса, васиятнома касалхона бош врач;
- Озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг васиятномалари тегишли муассасалар бошлиқлари;
- Қидирув экспедицияларида бўлган шахсларнинг васиятномалари, ана шу экспедициялар бошлиқлари ва ҳ.к.
- Ушбу мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятноманинг биттадан нусхаси васият қилувчи доимий прописка қилинган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юборилиши шарт. Ушбу васиятнома васиятномаларни ҳисобга олиш алифбо китобига киритилиши лозим.



2-ҚАДАМ

Нотариус томонидан васиятноманинг тасдиқланиши

- Нотариус васият қилувчига ФК 1127 ва 1142-моддалари мазмунини тушунтиради ва бу ҳақда васиятнома матнида кўрсатиб ўтади;
- Васият қилувчи васиятномани имзолайди;
- Нотариус васиятномани тасдиқлайди.




Мерос мол-мулки ФК 1134-1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка қақирладиган қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади (агар васиятнома тузилмаган бўлса - барча мерос мол-мулки, агар васиятнома тузилган бўлса - мерос мол-мулкининг васият қилинмаган қисми).

ВАСИЯТНОМАЛАР СОНИ ЧЕКЛАНМАГАН



ВАСИЯТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ УСУЛЛАРИ



МЕРОСДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ*


*мерос қолдирувчи томонидан изоҳ бермаган ҳолда амалга оширилиши мумкин

1-УСУЛ



Васият қилувчининг васиятномадаги меросхўрлардан биттасини ёки бир нечтасини меросдан маҳрум қилиш ҳақидаги васият фармойиши орқали амалга оширилади.

2-УСУЛ



Васият қилувчининг васиятномада барча мерос мулкни меросхўрлар ўртасида тақсимлаши орқали амалга оширилади.

МЕРОС МУЛКИНИ ВАСИЯТНОМАДА ТАҚСИМЛАШ



ВАСИЯТ ҚИЛУВЧИ МЕРОС МУЛКИНИ МЕРОСХЎРЛАР ЎРТАСИДА ҲАР ҚАНДАЙ УЛУШЛАРДА ТАҚСИМЛАШГА ҲАҚЛИ

АГАР ВАСИЯТНОМАДА МЕРОСХЎРЛАРНИНГ УЛУШЛАРИ КЎРСАТИЛМАГАН БЎЛСА, МЕРОС МУЛКИ МЕРОСХЎРЛАР ЎРТАСИДА ТЕНГ ТАҚСИМЛАНГАН ҲИСОБЛанаДИ.



ВАСИЯТНОМАЛАРНИ




**МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИНИНГ
ШАХСИНИ АНИҚЛАШ**

18



**МУОМАЛА ЛАЁҚАТИНИ
АНИҚЛАШ**

Фуқаронинг муомала лаёқатини аниқлаш шахсий мулоқот давомида амалга оширилади



**ВАСИЯТНОМАНИ
ТУЗИШ**



**ВАСИЯТНОМАНИ
ТАСДИҚЛАШ**

Васиятнома тасдиқланмасидан олдин, унинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади



Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишда аудио, видео ва фото қурилмаларидан фойдаланишлари мумкин

ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун:

- миллий паспорт;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун);
- шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматчилар учун).

Хорижий фуқаролар учун:

- чет эл фуқароси паспорти;
- Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;
- дипломатик паспорт;
- аккредитация карточкаси.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар учун:

- Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Васият қилувчининг шахсини тасдиқлаш ёки муомала лаёқатини аниқлаш имкони бўлмаса, нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад қилиши мумкин!

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ЁЗМА ШАКЛДА ТУЗИЛИШИ ЛОЗИМ

Қуйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

- нотариал тасдиқланган васиятномалар;
- нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Васиятнома, васият қилувчининг ўз қўли билан нотариус олдида имзоланиши керак

БОШҚА ШАХСНИНГ ИМЗОСИ*

фақат нотариус иштирокида имзоланиши мумкин.

* васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмайдиган ҳоллардагина васиятнома бошқа шахс томонидан имзоланиши мумкин

ВАСИАТНОМА ИККИ НУСХАДА ТУЗИЛАДИ

МАХФИЙ ВАСИАТНОМА

Махфий васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланади, гувоҳлар хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқловчи ёзувни ёзиб қўяди

ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСХЎРЛАРНИНГ ВОРИСЛИККА ЧАҚИРИЛИШ НАВБАТИ



МЕРОС
ҚОЛДИРУВЧИ

1



Ота-онаси,
фарзандликка
олганлар



Турмуш ўртоғи



Фарзандлари, мерос қолдирувчининг
вафотидан сўнг туғилган фарзандлари,
фарзандликка олинганлар



Неваралари
ва авлодлари*

Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича

2



Буваси, бувиси



Акаси, опаси, укаси, синглиси



Жиянлари*

Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича

3



Туғишган
амакиси, тоғаси



Туғишган
аммаси, холаси



Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича

Аммаваччаси, холаваччаси
Амакиваччаси, тоғаваччаси*

4



Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача
(олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари

5



Меҳнатга қобилиятсиз боқимлари**

* Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутаяди (ФК 1140 моддаси)


** Мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чақирилаётган навабтнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар (ФК 1141 моддаси)

МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ

МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ АСОСЛАРИ




*агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка қақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади (мерос трансмиссияси)



- Биринчи навбат меросхўрлари
- Иккинчи навбат меросхўрлари
- Учинчи навбат меросхўрлари

— Мерос қолдирувчи билан қариндош
 Мерос қолдирувчи билан қариндош эм



- Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича биринчи навбат меросхўрлари
- Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича иккинчи навбат меросхўрлари
- Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича учинчи навбат меросхўрлари

МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ

МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН:

Мерос очилган жойдаги нотариусга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш керак



АРИЗА БЕРИШ УСУЛЛАРИ



ШАҲСАН
ЎЗИ



ПОЧТА ОРҚАЛИ


Ариза нотариуслар ёки консуллар томонидан тегишли тартибда шаҳодатлантирилган бўлиши лозим



МЕРОСХЎРНИНГ ВАКИЛИ ОРҚАЛИ

Ариза нотариуслар ёки консуллар томонидан тегишли тартибда шаҳодатлантирилган бўлиши лозим

Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин



Агар меросхўр бир вақтда бир нечта асос бўйича ворисликка чақирилса, меросхўр

**БИР АСОС
БЎЙИЧА**



**БИР НЕЧТА
АСОСЛАР БЎЙИЧА**



**БАРЧА АСОСЛАР
БЎЙИЧА**



ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросдан бир марта воз кечиш тўғрисида ариза барча мерос мулкига (шу жумладан кейинчалик очилган мерос мулкига ҳам) тааллуқли бўлади.

МЕРОС МУЛКИДАН ЭР (ХОТИН)НИНГ БИРГАЛИКДАГИ УМУМИЙ МУЛКИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ



ЭР ВА ХОТИННИНГ НИКОҲ ДАВОМИДА ОРТТИРГАН МОЛ-МУЛҚЛАРИ

(шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари),

АГАР ҚОНУН ЁКИ НИКОҲ ШАРТНОМАСИДА БОШҚАЧА ҲОЛ КЎРСАТИЛМАГАН БЎЛСА,
уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкий ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусда хабардор қилинади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотинга (эрга) никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкнинг ярмиси учун берилиши мумкин.



МЕРОСДАН МАЖБУР

МЕРОСДАН МАЖБУРИЙ УЛУШ АЖРАТИШ ҚОИДАЛАРИ

васият қилиш эркинлигини чеклайди ва ижтимоий муҳофазага муҳтож қонун бўйича меросхўрларнинг манфаатларини ҳимоя қилади



*Мажбурий улуш олиш

ҳуқуқига эга бўлган меросхўр

бирон-бир асос бўйича меросдан

оладиган ҳамма нарса, шу жумладан

оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат

мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган

васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

ИЙ УЛУШ АЖРАТИШ


МЕРОСДАН МАЖБУРИЙ УЛУШ АЖРАТИШ ҚОИДАЛАРИ ҚҲЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА АМАЛ ҚИЛАДИ:



Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр меросдан маҳрум қилинганда



Мерос мулки бошқа шахсларга васият қилинганда



Васият қилинган ва васият қилинмаган мулкнинг тегишли қисми мажбурий улуш миқдоридан кам бўлганда

**МАЖБУРИЙ УЛУШ ҚОНУН БЎЙИЧА
ВОРИС БЎЛГАНДА ТЕГИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН УЛУШНИНГ
КАМИДА 50% ни ТАШКИЛ ЭТАДИ****



**Агар васият қилинмаган мулк етарли бўлмаса, унда мажбурий улуш васият қилинган мулк ҳисобидан қаноатлантирилади




МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧИШ

Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан
исталган вақтда меросдан

ВОЗ КЕЧИШГА ҲАҚЛИ*

*Меросдан воз кечиш
кейинчалик бекор
қилиниши ёки
қайтариб олиниши
мумкин эмас



МЕРОСХЎР МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧГАНИДА ВАСИЯТНОМА БЎЙИЧА ЁКИ ҚОНУН БЎЙИЧА
МЕРОСХЎРЛАР ЖУМЛАСИДАН БЎЛМИШ БОШҚА ШАХСЛАР ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧАЁТГАНИНИ
КЎРСАТИШГА ҲАҚЛИ



Мероснинг
муайян қисмидан

Меросдан
изоҳотлар билан

Меросдан
шартлар қўйиб

**ВОЗ
КЕЧИЛИШИГА
ЙЎЛ
ҚЎЙИЛМАЙДИ**

МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧИШ УСУЛЛАРИ



Шахсан



Вақил орқали (агар ишончномада вақил
орқали меросдан воз кечиш ваколати
махсус назарда тутилган бўлса)

МЕРОС УЛУШЛАРИНИНГ ОРТИШИ

Меросхўр меросдан воз кечган ёхуд ФК 1119-моддасида
кўрсатилган ҳолатлар бўйича меросхўрлар орасидан
чиқиб кетган тақдирда мероснинг унга тегадиган қисми
ворисликка чақирилган қонун бўйича меросхўрларга
ўтади ва улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб
равишда тақсимланади.


МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

меросхўрларнинг мерос мулкига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади*

*Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.



Нотариусга куйидаги ҳужжат ва маълумотномаларни тақдим қилиш лозим:

Гувоҳнома меросхўрнинг ёзма аризаси асосида берилади

Меросни қабул қилиш ҳақидаги ариза нотариус томонидан шаҳодатлантилган бўлиши лозим. Меросхўр шахсан ўзи мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорага келиб, аризани тақдим этган ҳоллар бундан мустасно.

1



Мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома

4



Мерос қолдирувчи фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари

2



Мерос қолдирувчининг охириги яшаш жойи (прописка) тўғрисидаги маълумотнома

5



Мерос мулки мерос қолдирувчига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳ.қ.

3



Мерос қолдирувчининг турмуш ўртоғи билан никоҳи тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома

6



Агар меросхўрлар вафот этганлари бўлса, уларнинг ўлим ҳақидаги гувоҳномалари

МЕРОСНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

Икки ёки ундан ортиқ меросхўрлар қонун бўйича ёки меросхўрларнинг улушлари аниқ белгиланмаган васиятнома асосида меросни эгалласалар, ушбу мерос мулки уларнинг умумий улушли мулки ҳисобланади

Меросни тақсимлаш
МЕРОСХЎРЛАРНИНГ
КЕЛИШУВИГА КЎРА
НИЗОСИЗ АМАЛГА
ОШИРИЛАДИ



ИШОНЧЛИ ВА ХАВФСИЗ

Нотариус меросни тақсимлаш тўғрисида келишувнинг қонунийлигини ва келишув тарафларининг ваколатини текширади



Меросхўрларга тегишли кўчмас мол-мулк давлат рўйхатидан ўтказиш меросни тақсимлаш тўғрисида келишув ёки меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида амалга оширилади.

Меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш, ундан улуш ажратиш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда, меросни тақсимлаш меросхўрлардан бирининг талаби бўйича СУД ТАРТИБИДА амалга оширилади

МЕРОС ТАРКИБИДАН МЕРОС ОЛИШДА ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚҚА ЭГА БЎЛГАН МЕРОСХЎРЛАР

МЕРОС ОЧИЛГУНГА
ҚАДАР УЧ ЙИЛ
МОБАЙНИДА МЕРОС
ҚОЛДИРУВЧИ
БИЛАН БИРГАЛИҚДА
ЯШАГАН МЕРОСХЎРЛАР
МЕРОС ТАРКИБИДАН



- уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни;
- уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини

МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИ
БИЛАН МОЛ-МУЛККА
НИСБАТАН УМУМИЙ
МУЛК ҲУҚУҚИГА
ЭГА БЎЛГАН
МЕРОСХЎРЛАР
МЕРОС ТАРКИБИДАН



- умумий мулк бўлган мол-мулкни

ОЛИШДА ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚГА ЭГАЛАР



Агар имтиёзли ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ташкил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим

Меросдан мажбурий улуш ҳуқуқига эга бўлганда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олиш

1

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани беришда нотариус мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар бор-йўқлигини аниқлайди



2

Бундай шахсларнинг мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олади



3

Нотариус мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга уларнинг ҳуқуқларини, шу жумладан мажбурий улушдан ҳеч бир шартсиз воз кечиб ҳуқуқини тушунтиради




4

Агар васиятнома бўйича меросхўрлар мажбурий улушга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олишга қаршилиқ қилишса, нотариус уларнинг судга мурожаат этиш ҳуқуқларини тушунтиради ва мажбурий улушга гувоҳноманинг берилишини ўн кундан ошмаган муддатга кечиктиради



Қонун бўйича бир навбатдаги меросхўрлар ўртасида мерос мол-мулки тенг улушларда тақсимланади.



Қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига **ТАҚДИМ ЭТИШ ҲУҚУҚИ** бўйича ўтади.

НОТАРИУСЛАР НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ТЎЛАНДИГАН ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ




ВАСИЯТНОМАЛАРНИ ТАСДИҚЛАГАНЛИК УЧУН



Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи
миқдорида белгиланади

МЕРОСГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА БЕРГАНЛИК УЧУН:



Биринчи навбатдаги ворисларга

Иккинчи навбатдаги ворисларга

Қолган ворисларга

Мерос суммасининг

0,1 фоизи миқдорида белгиланади.

0,5 фоизи миқдорида белгиланади.

2 фоизи миқдорида белгиланади.

Изоҳ: Уй-жойлар (уйларнинг бир қисми), квартиралар (квартираларнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома беришда мерос тартибида ўтаётган мерос қилинаётган мол-мулк суммаси меросхўрлик тайинланган кунда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг тегишли кадастр ва кўчмас мулк хизмати томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

